

ЖИНСЛАРИ БЎЙИЧА ТУХУМЛИК ВА ҚУРТЛИК ДАВРИДА НИШОНЛАНГАН ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ ЗОТ ВА ДУРАГАЙЛАРИНИ БАҲОР, ЁЗ ВА КУЗ ФАСЛЛАРИДА БОҚИШ

Солихова Клара Ибрагимовна, ИИТИ кичик илмий ходими,
Абдикаюмова Нигора Комолиддиновна, ТДАУ катта ўқитувчиси, PhD,
Абдурахмонова Зарнигор Акбар қизи, ТДАУ талабаси.

Аннотация. Собиқ иттифоқ давридан Ўзбекистон тут ипак қуртини боқиб, пиллани 60-65% етказиб берар эди. Ўлкамиз нақадар шу жонзотларни маромига етказиб боқиб келган, ҳеч қандай муаммо бўлмаган, иттифоқ тарқалса ҳам халқимиз бу соҳани бекаму кўст ривожлантириб келмоқда, фақатгина битта нарса у ҳам бўлса озиқа етиштиришда халқимиз озгина эътиборли бўлса, бу соҳа ҳам тезда ривожланади. Хадемай куз ойни кириб келишига озгина вақт қолди. Ипак қуртлари озиқаси бўлган тутларимиз кўнгина қисми дала боғлар атрофида экиланган, шуларни сифатли баргини сақлаш учун новдаларини асрашимиз керак. Айрим юртдошларимиз ана шу тутларни барглари уйдаги қўй бузоқларга олиб бориб боқишади. Бу ишланган куртақларга тезда инфекция тушиб, уларни қуриб қолишига олиб келади. Шу ишларни қилмаслик учун дала раҳбарлари назоратни кучайтурса, ипак қуртларга озиқаси яхши қилиниб, кўп ҳосил беради.

Калит сўзлар: ипак қурти, тухум, зот, дурагай, навли, барг, юпқа, қалин, ўғит, азот, фосфор, калий.

Аннотация. Со времен Союза Узбекистан выращивал тутового шелкопряда и доставлял 60-65% коконов. Наша страна без проблем выкармливает гусениц тутового шелкопряда, даже после союза, наш народ плавно развивает эту отрасль. Есть только одно: если наш народ будет уделять большое внимания производству кормовой базы, эта отрасль тоже будет быстро развиваться. До наступления осени осталось мало времени. Большая часть нашей шелковицы, которая является основным кормом для тутового шелкопряда, высажена вокруг фруктовых садов, и нам необходимо сохранять ветви, чтобы сохранить листья хорошего качества. Некоторые наши соотечественники кормят этими листьями шелковицы овец и телят в домашних условиях. Это быстро приведет к заражению побегов, что приведет к их засыханию. Если руководители полей усилят контроль, чтобы избежать таких действий, гусеницы тутового шелкопряда будут хорошо развиваться и дадут много урожая коконов.

Ключевые слова: тутовый шелкопряд, грена, порода, гибрид, сортовые, лист шелковицы, тонкий, толстый, удобрения, азот, фосфор, калий

Annotation. Since the times of the Union, Uzbekistan has raised silkworms and supplied 60-65% of the cocoons. Our country feeds silkworm caterpillars without any problems, even after the union, our people are smoothly developing this industry. There is only one thing: if our people pay great attention to the production of feed, this industry will also develop rapidly. There is little time left before the onset of autumn. Most of our mulberries, which are the main food for silkworms, are planted around orchards and we need to preserve the branches to maintain good quality leaves. Some of our compatriots feed these mulberry leaves to sheep and calves at home. This will quickly lead to infection of the shoots, causing them to dry out. If field managers strengthen controls to avoid such actions, silkworm caterpillars will develop well and produce a large harvest of cocoons.

Key words: silkworm, grena, breed, hybrid, varietal, mulberry leaf, thin, thick, fertilizers, nitrogen, phosphorus, potassium

Республика ипакчилик тармоғини ривожланиши ва истиқболлари бир қатор ҳукумат қарорларида ўз аксини топган. Бу фармон ва қарорларда Республика ипакчилигини янада ривожлантиришда ишлаб чиқариш билан илм-фан ютуқларини узвий боғлиқлигини сақлаган ҳолда халқаро бозор талабларини тўлиқ қондира оладиган юқори сифатли пилла етиштириш ва ватанимизда яратилган тут ипак қурти зот ва дурагайларини кўпайтириш ҳамда ҳар йили икки, уч маротаба тут ипак қурти боқишга тўлиқ ўтиш, келгусида республиканинг ипак қурти насли ва саноатбоп уруғига бўлган эҳтиёжини тўда 100 фоиз таъминлаш вазифалари қўйилган.

Давлатга юқори маҳсулдор сифатли саноатбоп пилла етказиб бериш учун кўп 2-3 маротаба тут ипак қурти боқиш бугунги кун долзарб вазифалардан биридир.

Ипакчилик илмий тадқиқот институтининг генетика ва селекция лабораторияси олимларининг бир неча йиллик машаққатли изланишлари натижасида ипак қурти ва уруғ босқичида жинсга қараб белгиланган зотларни яратиб, янги ютуқларга эришди.

Бу ҳол дурагайлашда тоза зотларни уруғлик босқичида жинсга қараб ажратиш имконини берди. Саноат йўли билан тайёрланган дурагай сифатини анча оширди. Буларга қуйидагилар киради:

С-5, С-10, С-12, С-13, С-14, Меч-1, Меч-2 ва бошқалар. Бу зот ва тизимлар оқ, қора ҳамда оч кўнғир рангда тухум қўядилар. Оқ ва оч кўнғир рангли тухумлардан эркак қуртлар, қора рангли тухумлардан урғочи қуртлар жонланадилар.

Ҳозирда ишлаб чиқаришда боқилаётган Меч-1, Меч-2 зотлари қуртлик даврида нишонланган бўлиб, уларни жинсга ажратишда оддий қурт боқувчи 5-ёшини 3-4 кун бемалол хатосиз ажрата олади, танасидаги маскаси бори урғочи, маскаси йўғи эркак ҳисобланади.

Кейинги йиллари жинслари бўйича тухумлик даврида нишонланган зотлар иштирокида С-13 х С-14, С-14 х С-13, Меч-1, Меч-2, Меч-2 х Меч-1, қуртлик даврида нишонланган 2 таси оддий дурагай Ипакчи-1 х Ипакчи-2, Ипакчи-2 х Ипакчи-1, сермахсуп дурагайлар ҳам яратилди.

Ҳозирда илм ахлига ва жамоатчиликка маълумки, бошқа

жонзотлар қатори ипакчиликда ҳам оталанмаган тухумлар сунъий равишда оталантирилиб, улардан (клон) элита тухумлар тайёрланади.

Урғочи партеноклонлар ипак қурти уруғчилигида ниҳоятда муҳимдир. Улардан дурагайлашда оналик зотлари сифатида фойдаланиб, 100 фоиз тоза дурагайлардан иборат саноатбоп тухумлар олиш мумкин. Бизнинг лабораторияда шу олинган клонлардан фойдаланиб, махсулдор зотлар яратилган, уларнинг дурагайлари (Ипакчи-1 х Ипакчи-2, Ипакчи-2 х Ипакчи-1) ишлаб чиқаришда кенг қўламда боқилади. Сўнги йилларда яратилган зот ва дурагайларнинг фаоллигида бирмунча яхши ўзгаришлар сезилди. Ишлаб чиқаришда фермер хўжаликлар томонидан эътирозлар бўлмади.

Фикримизни тасдиқлаш учун жинслари бўйича нишонланган зотлар ҳамда амейотик клонларни иштирокида олинган дурагайларнинг биологик кўрсаткичларини қуйидаги жадвалда келтирилган (баҳор фасл).

Жадвал.

Нишонланган зот иштирокида олинган дурагайларнинг биологик кўрсаткичлари

№	Дурагай комбинацияларнинг номи	Ипакчанлик, %
1	♀МГ х ♂Я-120	24,3
2	♀С-14 х ♂Марғилон	24,1
3	♀МГ х ♂Ип-4	24,2
4	♀9-пк х ♂С-14	24,0
5	♀А-пк х ♂С-14	24,0
6	♀А-пк х ♂Я-120	24,0
7	♀С-14 х ♂МГ	24,8
8	♀С-14 х ♂Ип-2	25,0
9	♀С-14 х ♂МГ	24,7
10	♀МГ х ♂Л-22	24,2
11	♀С-14 х ♂Ип-1	24,5
12	♀Я-120 х ♂Ип-2	25,0
13	♀С-14 х ♂Ип-5	25,2

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турibdiki, янги дурагайлар биологик кўрсаткичлари бўйича киёсловчи дурагайдан анча мунча устун. Булар ичидан С-13 х С-14, С-14 х С-13, Меч-1 х Меч-2, Меч-2 х меч-1, ва клонли дурагай Пк-51.40 х С-5 ни истиқболли деб топилиб, ишлаб чиқаришга Давлат нав синашга тавсия этилди.

Жинслари бўйича нишонланган дурагайларни генотипини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ёз ва эрта куз фаслларида лаборатория шароитида боқилди.

Ёз ва куз даврларида қўшимча ҳосилни олиш учун кўкламг и қурт боқиш тугаганидан кейин ёзги қурт боқишга киришилади. Ёзги ва кузги қурт боқиш бирмунча ноқулай шароитда, ҳавонинг харорати анча юқори ва намлик даражаси паст, тут баргларининг тўйимлилига камайган ва барглар дағаллашган, шунингдек қуртхоналарда ва яқинда касаллик туғдирувчи микроорганизмлар кўпайган вақтда ўтказилиши билан баҳорги қурт боқишдан фарқ қилади (расм).

Жинслари бўйича нишонланган дурагайларни ипак қурти тухумига хлорат кислотани таъсир эттириб, сунъий равишда очурилади. Ипак қурти тухумига хлорат кислота таъсир эттирилгандан кейин 9-10 кун ўтгач, тухумдан қурт чиқа бошлайди.

Қуртхона ҳавоси доимо бир хилда сақланади, ҳавонинг намлик даражаси юқори бўлди (24-26°C; 70-75%). Ипак қурти боқилаётган вақтда дераза эшиклар кечки салқинда очиб

қўйилди ва кун қизиган пайтда беркитилди. Қуртхона намлик даражасини кўтаришда, этажерка ёнларига хўл чойшаблар осиб қўйилди.



Расм. Ёз ва куз даврларидаги ипак қуртини боқиш жараёни

Республикаимизда ёзда боқиладиган қуртлар учун алоҳида озиқа базаси йўқ, чунки барча баргларини кўкламда боқилган қуртлар еб битиради. Ёзда қурт боқишда тутлардан иккинчи марта фойдаланилади.

Биринчи ва учинчи ёшдаги қуртларга баҳорда шох-шабба кесилгандан кейин ўсиб чиққан кўк новдаларнинг 3-4 тартибдаги барглар майда қилиб қирқиб берилади. 4-5 ёшдаги ипак қуртларига кўкламда фойдаланилган тутларнинг танасида ўсиб чиққаб майда кўм кўк новдалар билан озиқлантирилди.

Ёзги ва кузги боқишнинг тартиб-қоидалари кўкламги қурт боқиш тартиб қоидаларидан фарқ қилмайди. Фақат бу ишни қилмоқчи бўлган фермер ва хўжаликлар баҳор учун захирада сақланган тухумлардан ҳам фойдаланилса бўлади, фақат тухумларни жонланиши озгина камаяр экан, қуртларни ҳаётчанлиги яхши кечади. Бу ҳолатни лабораторияда поисковий иш қилиб кўрилди, ҳеч камчиликсиз боқилади, фақат қурт боқиладиган талаблар санитария-гигиена қоидалари тўғри бажарилиши лозим. Озиқа олишда эса наводор тутлар танасидан тепадаги куртакларда ўсиб чиққан новдадаги

барглardan 1-2-3 ёшларда фойдаланиш керак, баргни фақат қуёш чиқмасдан олинса яхши бўлади, барг сўлимасдан олиш керак, тутларни тез-тез суғориб турилса, барглари тургор ҳолатида нами қочмасдан туради, қуёш чиқмасдан олдин олиб ҳўлланган мато тагида сақланса, баҳордагидек қуртлар тез ўсади. Ёз ва кузда боқиш бир-бирига ўхшаш ҳолатда

бўлиши, захирада сақланган дурагай тухумлардан яхши пилла олса бўлади.

Бу йўналишда боқилган лаборатория шароитида фақат оммавий қурт боқувчиларга бермасдан уйлари салқин боҳаво жойларга эга бўлган юртдошларимизга бериб боқтириш керак.

АДАБИЁТЛАР:

1. Якубов А.Б. Дефектные куколки и бабочки тутового шелкопряда. //Рекомендация по отбраковке кладочного материала, обеспечивающей снижение невыхода бабочек из коконов. 1989.
2. Якубов А.Б., Гатин Ф.Г., Курбанов Р.К. Сорты шелковицы для осенне-зимней выкормки тутового шелкопряда. //Ж. «Шелк» 1978, №1.
3. Ларькина Е.А., Салихова К., Якубов А.Б. Использование метода отбора по двигательной активности для сохранения свойств коллекционных пород тутового шелкопряда. //Ж. «Агроилм» №2 (22) 2012. С.51
4. Ларькина Е.А., Якубов А.Б. Достоинства применения партеноклонов тутового шелкопряда в гибридизации. // Ипакчилик соҳасининг долзарб муаммолари ва уларни янги технологияларга асосланган илмий ечимлари. Материалы республиканской научной конференции. -Ташкент 2012. С,30

UO‘T: 636.22/.28.082

SHVIS ZOTLI NASLDOR BUQALAR AVLODLARINING MAHSULDORLIG KO‘RSATKICHLARI

Bahriddinov Fayoziddin Bahriddinovich,
Farg‘ona davlat universiteti (DSc) doktoranti.

Аннотасија. Мақоллада швис зотли жакон генoфoндига хoс Австрија, Германија ва Россия селексијасига хoс наслдor буқалардан oлинib yetishtirilgan III ва undan yuqori laktasiyalardagi sigirlarning sut mahsuldorlik xususiyatlari o‘rganilib taxlil qilingan. Yuqori mahsuldor sutbop podalar yaratishda жакон генoфoндига хoс швис зотли наслдor буқалардан foydalanishning amaliy ahamiyati yoritilgan.

Калит со‘злар: генoфoнд, генотип, наслдor буқа, швис, пода, зот, sut mahsuldorlik.

Аннотация. В статье изучены и проанализированы особенности молочной продуктивности коров III и выше лактации, выведенных от племенных быков Австрийской, немецкой и российской селекции, типичных для мирового генoфонда швейцарской породы. Освещена практическая значимость использования чистокровных Быков швейцарской породы, характерных для мирового генoфонда, при создании высокопродуктивных молочных стад.

Ключевые слова: генoфонд, генотип, племенной бык, швис, стадо, порода, молочная продуктивность.

Abstract. The article studies and analyzes the features of dairy productivity of cows of III and higher lactation, bred from breeding bulls of Austrian, German and Russian breeding, typical of the global gene pool of the Swiss breed. The practical importance of using purebred Swiss bulls, characteristic of the global gene pool, in the creation of highly productive dairy herds is highlighted.

Keywords: gene pool, genotype, breeding bull, swis, herd, breed, dairy productivity.

Kirish. Shvis zotli qoramollari respublikamizning tog‘oldi mintaqalarida urchitish uchun rayonlashtirilgan muhim zot bo‘lib hisoblanadi. Bu zot qo‘sh mahsuldor zot bo‘lib, birqator xo‘jalik foydali va biologik xususiyatlarga ega. Zot sigirlarining bugungi kunda sut mahsuldorligi bo‘icha irsiy imkoniyatlari yuqori bo‘lishi bilan birgalikda sutidagi yog‘ yuqoriligi, pushtdorlik va yelin xususiyatlari, ozuqani sut bilan qoplash darajasi ham yuqoriligi va zot qoramollari turli sharoitlarga chidamliligi bilan ajralib turadi. Bu zot qoramollarini bugungi kunda ushbu zotga mansub жакон генoфoндига хoс наслдor буқалар bilan juftlash zotni takomillashtirish sur‘atini oshirish imkonini beradi. Shu nuqtai nazardan biz shvis zotini takomillashtirishda жакон генoфoндига хoс наслдor буқалардан foydalanish samaradorligini o‘rganish maqsadida ularni qizlarining sut mahsuldorligini III va undan yuqori laktasiyalarda o‘rgandik. Tadqiqotlar Andijon viloyatining Asaka tumanidagi T.Shokirov nomli fermer xo‘jaligining naschilik podasida amalga oshirildi. Tadqiqotlarda sigirlarning sut

mahsuldorligi zootexniyada umumiy qabul qilingan usularda o‘rganildi. Sigirlarni oziqlantirish va asrash sharoitlari bir xil bo‘ldi. Tadqiqotlarda Peter va Roksi shvis zotli nasldor буқалар Австрија selleksiyasiga, Demon va Korona-AQSh seleksiyasiga mansub edi. 1 jadvalda turli seleksiyadagi nasldor буқалар qizlarining sut mahsuldorligi keltiriladi.

Jadval ma‘lumotlaridan ko‘rinishicha, Yevropa va Amerika seleksiyasidagi shvis zotli nasldor буқалар qizlarining sut mahsuldorlik darajasi bo‘yicha yuqori irsiy salohiyatga ega. Ayniqsa Amerika seleksiyasidagi nasldor буқалarning qizlarining sut mahsuldorligi yuqori darajada va Peter, Roksi, Korona nasldor буқалар qizlarining sut miqdoridan tegishli 514,2, 506,9 va 13,2 kg, sut yog‘i chiqimi Peter va Roksi qizlari ko‘rsatkichlaridan 22,0 va 20,4 kg, 4%-li sut 550,6 va 511,5 kg, sutdorlik koeffitsiyenti 76,7 va 113,7 kg yuqori bo‘lganligi aniqlandi. Shu bilan birgalikda shuni ham ta‘kidlash lozimki, Австрија seleksiyasidagi nasldor буқалarning qizlari ham